

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 30 июль, пайшанба. №68 (2843).



ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШМОҚДА:

ҚР ПРЕЗИДЕНТИГА ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТ БЕРИШДИ

Қозоғистондаги эпидемиологик вазият барқарорлашмоқда. ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевга вилоят ҳокимлари мамлакат ҳудудларидаги вазият тўғрисида ҳисобот беришди.

Буни ҚР Президентининг матбуот котиби Берик Уали ўзининг Facebook саҳифасида маълум қилди.

«Давлат раҳбарига Нур-Султан, Алмати, Шимкент шаҳарлари ва вилоят ҳокимлари санитария-эпидемиологик аҳвол тўғрисида ҳисобот беришди», – деб ёзди Берик Уали. Ҳокимларнинг айтишича, ҳудудларда коронавирус билан оғриган беморлар сони камайиб, соғайганлар сафи кенгайган. Умумий аҳвол барқарорлашмоқда. Провизорлик стационарлар ва дори-дармонлар захираси етарли.

«Президент вазиятни қатъий назоратда сақлашни ва бу вазифага устуворлик беришни буюрди. Шу билан бирга, карантин чораларини кузатиш ва аҳоли билан тушунтириш ишларини фаол олиб бориш зарурлиги қайд этилди», – деб ёзди Давлат раҳбари матбуот котиби.



КАРАНТИН ЯНА ИККИ ҲАФТАГА УЗАЙТИРИЛАДИ

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ Қ. ТЎҚАЕВ ЭПИДЕМИОЛОГИК АҲВОЛНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН КЕНГАШ ЎТКАЗДИ

Бош вазир Асқар Мамин Президентга 5 июлдан бошлаб мамлакатимизда қатъий карантин чоралари татбиқ этилганидан сўнг касаллик юқтирувчилар сони 29 фоизга камайганини айтди. Бир кунда касаллик юқтирган одамлар сони 1500-1600 оралиғида бўлди. Шифохоналардаги даволанувчилар сони 43 фоизга, шу жумладан, жонлантириш бўлимларидаги беморлар сони 27 фоизга озайган. Соғайиб чиққанлар сони эса 63 фоизга ортган. «Тез ёрдам»га кўнғироқлар камайган.

Шунингдек, Асқар Мамин Қасим-Жўмарт Тўқаевга касалликка чалиниш ва одам ўлими, тиббий ёр-

дамнинг оммабоплиги ва сифати, аҳолидан тест ташҳисини олиш даражаси, интенсив терапия ҳамда жонлантириш бўлимларининг зарур дори-дармонлар, тиббий ускуналар билан таъминланиши сингари асосий кўрсаткичлар бўйича маълумот берди.

Соғлиқни сақлаш вазири Алексей Цой Давлат раҳбарига инфратузилма иншоотларининг эпидемиологик аҳволга ва иқтисодиётга таъсирини эътиборга олган ҳолда карантин меъёрларини босқичма-босқич енгиллаштириш йўллари ҳақида гапириб берди.

Давлат раҳбари коронавирус ка-

саллигига чалинувчилар ва унинг оқибатида бўладиган ўлим ҳолатлари кўрсаткичини янада пасайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Июль ойида татбиқ этилган чеклов чораларининг ижобий таъсирини янада ошириш мақсадида, шунингдек, Қозоғистон ва чегарадош мамлакатлардаги эпидемиологик аҳволнинг мураккаблашиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда, Қасим-Жўмарт Тўқаев Давлат комиссиясига карантин чораларини босқичма-босқич енгиллаштириш орқали яна икки ҳафтага узайтиришни топширди.

Akorda.kz

• Ҳукумат соати

Қозоғистон Бош вазири Асқар Мамин мамлакатдаги эпидемиологик вазият ва коронавирус инфекциясига қарши кураш чораларига бағишланган Ҳукумат йиғилишини ўтказди.

– Карантин тадбирлари муддати 2 августда тугайди. Умуман олганда, ушбу даврда эпидемиологик вазият барқарорлашди, тиббий ташкилотларнинг иш юкламаси сезиларли даражада камайди. Соғайганлар сони 63 фоиздан ошди. Вирусли инфекцияларнинг кунлик ўсиши 4 фоиздан 1,7 фоизгача

пасайди, – деди Бош вазир. – Ой натижаларига кўра, тез ёрдам чақирувлари сони 38 фоизга камайди. Барча ҳудудлар етарли миқдорда дори-дармонлар билан таъминланган. Энди эпидемиологик вазиятни янада яхшилашимиз керак. Бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги карантин тадбирларини босқичма-босқич амалга ошириш режа-

сини тақдим этмоқда. Мавжуд вазият ва шу ойнинг натижаларини инобатга олган ҳолда, режа Давлат комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади, – деди Асқар Мамин.

Бош вазирнинг
матбуот хизмати.

ҚОЗОҒИСТОНДА ЭПИДЕМИЯ ЧЕКИНМОҚДА

ҚУРБОН ҲАЙИТИ – ХАЙР-САХОВАТ БАЙРАМИ!

Муҳтарам юртдошлар!
Сизларни мусулмон аҳлининг улуғ байрами – Қурбон ҳайити билан табриклаймиз!

Қурбон ҳайити – одамлар бир-бирига меҳрибонлик кўрсатадиган, қариялар ва етим-есирлар, кўп болали оилаларга, ёрдамга муҳтож кишиларга ёрдам кўлини чўзадиган байрам. Жорий йил бутун дунёни қамраб олган пандемия оқибатида жамиятимизда ўзгаришлар юз бермоқда. Мамлакатимизда эълон қилинган карантин муносабати билан масжидлар вақтинча ёпилиб, Қурбон ҳайити намози ҳам жамоат билан ўқилмайди.

Жорий йилда илк бор онлайн тартибда қурбонлик қилиш лойиҳаси йўлга қўйилди. Чунончи, санитария-эпидемиология меъёрларига қатъий риоя қилиниши мақсадга мувофиқ. Шу сабабдан, байрам тилақларимизни масофадан билдирамиз.

Албатта, бу оғир кунлар ҳам ўтиб кетади. Энг асосийси, бошимиз омон, юртимиз тинч бўлсин!

Биз мазкур байрамни мустақиллик туфайли нишонламоқдамиз. Қурбон ҳайитининг жамиятдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилиб, тарихий адолат тикланди. Тўнғич Президент – Элбоши Н. Назарбаевнинг миллий байрамларнинг мартабасини ошириш ташаббуси туфайли Қурбон ҳайити давлат даражасида нишонланадиган бўлди.

Қозоғистондек дунёвий, бағрикенг мамлакатда турли дин вакиллари барака-бирликда умргузаронлик қилиб келишмоқда. Юртимиздаги тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатликнинг орқасида муваффақиятларга эришиб келмоқдамиз.

Туркистон вилояти аҳлини Қурбон ҳайити байрами билан қутлаб, саломатлик, қут-барака тилаб қоламиз!

Ўмирзақ ШҮКЕЕВ,
Туркистон вилояти ҳокими,
Қайрат БАЛАБИЕВ,
Туркистон вилоят маслаҳати котиби.

ЖАҲОНДА ТЕНГИ ЙЎҚ МАЖМУА



Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеев вилоят марказида олиб борилаётган маъмурий, ижтимоий иншоотларнинг қурилиш суръатини назорат қилди. Вилоят раҳбари Туркистон шаҳридаги бошқармалар иморати ва драма театри, Х. А. Яссавий музейи, Буюк Ипак йўли хунармандлар Миллий маркази биноларининг қурилиш майдонларида бўлди. Қурилиш

ишлари тугатилган иншоотларда ички пардозлаш, техника ва жиҳоз ўрнатиш ҳамда ташқи ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Давлат-хусусий ҳамкорлиги доирасида "Sembol construction" турк компанияси йўлга қўйган "Карвон сарой" туризм мажмуасининг қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда. Қиймати 39 млрд. тенгелик жаҳонда

тенги йўқ сайёҳлик мажмуасида замонавий меҳмонхоналар, шарқ бозори, ресторанлар ишга туширилиб, сунъий ҳовуз пайдо бўлади. Лойиҳада кўҳна шаҳарнинг қиёфаси сақланган. Қурилиш ишлари бу йил тугатилиши кўзда тутилмоқда.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

СПОРТ ИНШОТЛАРИ ОЧИЛАДИ

Туркистон вилоятида оммавий спортни ривожлантириш ва спортдан юксак кўрсаткичларга эришиш йўлида вилоят ҳокими Ў. Шўкеевнинг бевосита етакчилигида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, давлат аҳамиятига эга ушбу йўналишни кучайтириш мақсадида спорт инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда вилоят ҳокими Туркистон шаҳрида қад ростлаётган спорт иншоотларини оралади.

Туркистонда бутун жаҳонда машҳур бўлган спорт тури – футболни ривожлантириш мақсадида УЕФАнинг халқаро талабларига мос келадиган улкан стадион қурилмоқда. 2та спорт зали, жаҳон андазаларига мувофиқ табиий футбол майдони, маъмурият биносига эга спорт мажмуаси бу йил фойдаланишга топширилади. Янги стадионда вилоят терма жа-



моасининг машғулоти ўтади, қолаверса, вилоят, республика ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақалар ҳам уюштирилади.

Шунингдек, Туркистон вилояти спорти тараққиётига ҳисса қўшадиган ҳовузи бор спорт мажмуасида ҳам қурилиш ишлари қизғин. Қурилиши битай деб қолган ушбу замонавий иншоотда миллий жамоа аъзо-

лари ва вилоятнинг ёш спортчилари машқ қилишади.

Йилдан йилга янгилаб бораётган Туркистонда ўнлаб спорт иншоотлари эл-юрт эҳтиёжига топширилади деб кутилмоқда.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ЯНА БИР ХУШҲАБАР

Янги ўқув йилида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг иш ҳақи 20-30 фоизга ошади.

ҚР Таълим ва фан вазири Асхат Аймағамбетов тегишли кўрсатмани 1 сентябрдан бошлаб бажаришни топширди.

– Миллий ишонч кенгаши йиғилишида Президент олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида кўр-

сатма берди. Умуман олганда, вазирлик тасарруфидаги олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг иш ҳақини оширишимиз керак. Ушбу масалани сизлар билан муҳокама қилгандик. Бу хўжакўрсинга кўтарилган масала эмас. Тегишли мутахассислар бюджетни таҳлил қилдилар ва бундай имконият мавжудлигини таъкидлашмоқда. Шунинг учун мен 1 сентябрдан бошлаб

ушбу масалани амалга оширишни топшираман, – деди вазир бўлимнинг онлайн йиғилишида.

Вазир, шунингдек, олий ўқув юртларида грантлар нархини ошириш тўғрисида Ҳукумат қарор қабул қилганини таъкидлади, бу ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга имкон беради.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг май ойида ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Ҳукуматга олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг маошини ошириш тўғрисида кўрсатма берган эди.



МАҚБАРА ЯНГИ ҚИЁФА КАШФ ЭТМОҚДА

Уч йилдан буён ёпиқ турган Яссавий мақбараси гумбазини реконструкция қилиш ишлари якунланди.

Гумбазнинг тарихий қиёфаси деярли сақлаб қолинди, фақат шамоллатиш қатламлари тартибга келтирилди. Ҳозир гумбаз этагида саккиз қиррали кесишма билан туташган жойда гидроизоляция ишлари ниҳоясига етмоқда.

Гумбазни қайта тиклаш ишлари вилоят ҳокими Ў. Шўкеевнинг шахсий назоратида бўлиб, ҚР Маданият ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

"Ҳазрат Султон" давлат тарихий-маданий кўриқхона музейи ҳудудидаги тарихий қадимжоларнинг реконструкцияси, ўрта асрлардаги Култепа қалъаси, Хон ўрдаси ва масжиди жойлашган марказий йўл бўйида эса археологик қазилма ишлари авжида.

Бундан ташқари, Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси олдида саёҳатчилар дам оладиган боғ, яъни селфи-худуд барпо этилади. Тарихий обиданинг "Тожли дарвоза"си атрофида қазилма

ишлари юритилиб, топилган асоори атиқалар саёҳатчиларнинг кўзини қувонтиришига умид бор.

Шунингдек, Б. Саттарханов хиёбони ҳудудида этноовул барпо этилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, Хо-



жа Аҳмад Яссавий мақбарасида бажарилган ишларнинг ҳаммаси ЮНЕСКО билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Мақбаранинг реконструкция ишларини ҚР Маданият ва спорт вазирлиги Маданият ва санъат ишлари департаментининг директори Кумис Сейитова ҳам келиб, кўздан кечириб кетди.

Вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.

БУЮК АБАЙ «НАСИҲАТЛАР»И ЎЗБЕКИСТОНДА НАШР ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан ва «Ижод» жамоат жамғармаси ёрдамида Тошкент шаҳридаги «Donishmand ziyosi» нашриёти томонидан Наманган давлат университети профессори Қодиржон Носировнинг «Абайнинг доно сўзи» китоби нашр этилди, деб хабар беради ЎЗА агентлиги.

Ўзбекистонда кечаётган шиддатли адабий-маърифий жараёнлар қардош халқлар, жумладан, Абай ижодини ўрганишда ҳам янги босқичини бошлаб берди. ЎзР Президентининг 2018 йил 13 мартдаги «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қунанбаев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарори натижасида атоқли ижодкор асарларини ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди.

Жорий йилда Абай таваллудининг 175 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шоир ижоди наинки қозоқ халқининг, балки Марказий Осиё халқлари маърифий ҳаё-



тида ҳам ўзига хос ўрин тутди. Айни пайтда мазкур китобда Абайнинг сўз санъатидаги новаторлиги билан бирга, унинг жамоат арбоби сифатида комил инсон ҳақидаги орзу-умидлари ҳам бўй кўрсатган. Китобда Абайнинг нафис шеърят, ҳикматли наср, дostonчиликка оид ижоди уйғунлашуви, уларнинг бири бошқасини тўлдириб, такомиллаштирилгани гоёта таъсирчан тарзда очиб берилган. Китобда, шунингдек, Абайнинг таржимонликка доир қимматли фикр ва қарашлари, бу борадаги айрим камчиликларга муносабати билан ҳам батафсил танишиш мумкин.

Хабар-24.

КАРАНТИН ҲОЛАТЛАРИ ҚАТЪИЙ

Вилоятда коронавирус инфекцияси тасдиқланган 2615 ҳолат рўйхатга олинди. Сўнги бир неча кун давомида бир кунда 0,9 фоизни ташкил қилиб, эпидемиологик аҳвол барқарорлашди. Бу ҳақда Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеевнинг раислигида ўтган йиғилишда айтиб ўтилди.

Бугунги кунда вилоят бўйича 2 116 одам коронавирус инфекциясидан соғайди. Шифохоналарда 124 бемор даволанмоқда, 569 нафари симптомсиз вирус ташувчилар амбулаторияда даволанмоқда.

Вилоят раҳбари карантин тартиби талабларига қатъий риоя қилиш бўйича мониторинг юритувчи тезкор гуруҳ ишини жонлантириб, жамоат жойларда дезинфекция тадбирларини куучайтиришни топширди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Байдибек тумани Шапқак аҳоли манзилида истиқомат қилаётган Гулмира Сейилбекованинг шу кунгача бошпанаси бўлмаган. Кўп болали она йиллар мобайнида 5 фарзанди билан ижара уйда яшаб келган. Қозғоғистон Муслмонлари Диний бошқармасининг 30 йиллигига бағиш-лаб “Зекет” корпоратив жамғармаси орқали “Юрт ҳиссаси – бошпанаси” лойиҳаси доирасида муҳтож оилга 4 хонали уй қалити топширилди.

Эзгу тадбирга “Асқар-Тау” деҳқон хўжалиги раиси Асқар Ҳазратулла хомийлик қилди. Юртимизда тақдим этилган бошпаналарнинг 244-сертификати Сейилбековлар хонадонига насиб этди.

ҲАЙИТ ТУҲФАСИ



Хайрия қилувчиларнинг сийлигидан мамнун бўлган кўп болали она ўз миннатдорчилигини билдирди. У уй мактаб, болалар боғчаси ва спорт майдонига яқин жойлашганидан жуда хурсанд бўлди.

Байдибек туманида жорий йил шу билан учинчи оилга хомийлар ҳисобидан бошпана ҳада қилинди.

Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

ЎРДАБОШИДА ТРОПИК МЕВАЛАР ЕТИШТИРИЛМОҚДА

Ўрдабоши тумани Қажимуқан қишлоқ округидаги “Елнур-Айдар” ишлаб чиқариш ширкати 2017 йилдан буён тропик мевалар ҳамда мевалар етиштириш билан шуғулланиб келмоқда.

Айни дамда ширкат соҳибдорлари 1 гектарга анор, 3 гектар ерга олма, 0,5 гектарга лимон экишган. Чорвачиликнинг иш юритувчиси Елнур Сейдазимов бугунги кунда 1000 туп анор, 6000 туп олма, 707 туп лимон кўчати етиштиряпти. Лимоннинг ўзидан жорий йил 20 тонна маҳсулот олиш режаланмоқда. Бултур 1 йиллик кўчатнинг ўзидан 4 тоннага яқин

ҳосил олинди. Ширкатда 7 киши доимий иш билан таъминланган.

Шу билан бирга, туманда интенсив боғлар майдони ортиб келади. Айни дамда ҳудудда интенсив боғ ҳажми 4000 гектарга яқинлашган. Қажимуқан қишлоқ округидаги “KazGarden” МЧБ умумий қиймати 2 млрд. тенгегга 240



гектар майдонда боғдорчилик билан шуғулланмоқда. Бу ерда 4 киши доимий меҳнат қилади, 55 киши мавсумий иш билан таъминланган.

БИР МАЙДОНДАН 3 МАРТА ҲОСИЛ ОЛИНАДИ

Сариғоч туманида 1 майдондан 2-3 ҳосил олиш лойиҳаси доирасида иш юритишга 400га яқин хўжалик ният билдириб, 917,6 гектар майдонда инновациявий лойиҳа амалга оширилмоқда. Йилига 2-3 марта ҳосил олиш лойиҳаси бўйича айни дамда 36704 тонна биринчи маҳсулот терилган. Иккинчи бор экин экиш бўйича 404та хўжалик 921 гектар ердаги ишларини ниҳоясига етказмоқда.



Чунончи, “Гулшан опа” деҳқон хўжалиги 2 гектар майдоннинг 1,2 гектарига карам, 0,8 гектарига бақлажон эккан. Бу иккинчи маҳсулот. Хўжалик соҳибши Шоназар Раимназаровнинг айтишича, бу бир йилда уч марта ҳосил олиб, йирик даромадни қўлга киритишнинг усули.

Бундан ташқари, энг йирик интенсив боғ – Сариғоч туманида жойлашган. У “АгроФуд Қазақстан” МЧБ. Биродарликнинг ер майдони – 215 гектар, шу жумладан, интенсив боғ 200 гектарга яқин. Чунончи, 92 гектари олма, 70 гектари шафтоли, 22 гектари олча, 17 гек-

тари олхўри. Унда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган. Мазкур боғдан бултур жами 550 тонна маҳсулот олинса, жорий йил шу кунгача 160 тонна мева терилган. 2016 йили фаолиятини бошлаган биродарликда 100 киши доимий иш билан таъминланган. Терим пайтида 170 киши ишлайди.

Айтиш жоиз, Қозғоғистон бўйича иссиқхона миқдорининг 60 фоиздан зиёди Сариғоч туманига тегишли. Жорий йил ҳудудда 665 гектар иссиқхонага сабзавот экилиб, айни пайтда жами 64860 тонна маҳсулот йирилган. Аҳолининг машаққатли меҳнати натижасида

туманда жорий йилда экин майдонлари ҳажми 69 807 гектарга етган. Жами туман бўйича ҳосил йиғиш ишлари давом этапти.

Тумандан давлат гранти олиб чорвачиликни ривожлантираётган хўжаликлар ҳам анча. Шулардан бири Қуркелес қишлоғида истиқомат қилувчи Азамат Абдурахмонов 2019 йили 505 минг тенге грант олиб, бугун уйдаги молхонасида мол бошини кўпайтириб, бўрдоқлаш билан шуғулланмоқда.

Туркистон вилояти минтақавий коммуникациялар хизмати.

• Қозғоғистон янгиликлари

ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШМОҚДА

ҚР Соғлиқни сақлаш вазири Алексей Цой Ҳукумат йиғилишида қатъий карантин тадбирлари натижа бергани ва Қозғоғистонда коронавирус билан касалланганлар улуши 29 фоизга камайганини маълум қилди.

– Қатъий карантин чоралари жорий қилинганидан буён, яъни 5 июлдан бошлаб уч ҳафта ичида 35 951та коронавирус юктириш ҳолати қайд этилди. Умуман олганда, қатъий чеклов чоралари қўлланилганидан бери рўйхатга олинган ҳолатлар 29 фоизга камайди, – деди Алексей Цой. Унга кўра, касалликдан соғайганлар улуши 63 фоизга ошган. “Шундай қилиб, соғлиқни сақлаш тизимидаги юкнинг асосий кўрсаткичлари камайтирилди”, – деди у.

Қозғоғистоннинг барча минтақаларида провизор инфекцияцион стационарлар ёпилади, шунингдек, ётоқлар сони камайтирилади. Вазирлик матбуот хизматининг хабар беришича, ҳозирги вақтда Қозғоғистонда 7та провизор стационари ва 1та юқумли касалликлар шифохонаси ёпилган.

Барча вилоятларда жорий йилнинг 2 августидан бошлаб провизор стационарларини ёпиш ёки ётоқ жойларини қисқартириш режалаштирилган. Чунки касалланганлар сони камайиб, вазият барқарорлашмоқда. Чунончи, Қозғоғистонда бир кунда 2 мингга яқин одам коронавирусдан соғайди. Бу ҳақда Kazinform coronavirus2020.kz сайтига таяниб хабар берди.

Қозғоғистонда соғайганлар сони 54 404 нафарни ташкил қилмоқда.

КАРАНТИНДАН СЎНГ ҚАНДАЙ ЧЕКЛОВ ЧОРАЛАРИ КУЧИДА ҚОЛАДИ?

ҚР Соғлиқни сақлаш вазири Алексей Цой 3 августдан кейин қандай чеклов чоралари кучда қолишини маълум қилди.

3 августдан кейин: оммавий тадбирлар, кўнгилочар жойлар, кино-театрлар ва фудкортлари, банкет залларига ишлашга рухсат берилмайди. Ресторан ва барлар, тунги ва ўйин клублари ҳали очилмайди. Маданий муассасалар ва музейларнинг иши тикланмайди. Конференциялар, кўргазмалар, форумлар ўтказилмайди. Спорт заллари, фитнес марказлари, бассейн ва аквапарклар, диний муассасалар ишламайди. Йўловчи поездлари (ишчи поездларни ҳисобга олганда, электричкалар) ва шаҳар ўртасидаги автобуслар ҳаракатга келтирилмайди, – деди у.

МУҲТОЖ ОИЛАЛАР ДАВЛАТ ФАМХЎРЛИГИДА

Қозғоғистонда деярли 2 млн. одамга 42 500 тенге ёрдам пули берилди, деб хабар беради Kazinform.

28 июль соат 09.00 ҳолатига кўра, июль ойида чеклов чоралари жорий этилгани сабабли 2,2 миллиондан кўпроқ одамдан ариза келиб тушган, шундан 1 миллион 900 мингга ариза рағбатлантирилиб, ҳозиргача 1 миллион 820 минг одамга тўланган. Ижтимоий суғурта жамғармасидан тўловлар учун аризалар бир нечта қаналлар орқали қабул қилинади. 2 миллион 233 минг мурожаатдан: - 822,1 мингтаси тўловларни проактив равишда амалга оширишга розилик билдирган; - 554,3 минг киши Egov.kz портали ва телеграм-ботлар орқали; - 287,6 минг киши 42500.enbek.kz портали орқали; - 569,6 минг киши иккинчи даражали банкларнинг мобил иловалари ва Интернет-ресурслари орқали ариза берган. Эслатиб ўтамиз, Президент топшириғига биноан, 2020 йил июль ойида карантин чоралари жорий этилиши муносабати билан ишлайдиган, карантин туфайли даромадидан айрилган қозғоғистонликларга 42 500 миқдорда бир марталик тўлов амалга оширилди.

ПРЕЗИДЕНТГА ТАКЛИФ ҚОЗҒОҒИСТОНДА 2021 ЙИЛНИ ЭКОЛОГИЯ ЙИЛИ ДЭБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Жамият арбоби, атираулик журналист Арман Хайруллин 2021 йилни «Экология йили» деб эълон қилишни таклиф қилди.

– Бугун Атирауда экологик апокалипсис бўлган деб тахмин қилиш учун асос бор. 90-йиллардан бери ҳавога 4 миллион тонна захарли моддалар чиқарилди. Буларнинг барчаси соғлигимизга зарар етказди. Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқайега 2021 йилни Экология йили деб эълон қилишни таклиф қиламан. Йигирма йил ичида бирон марта Экология йили эълон қилинмаган. Мен қозғоғистонликларни ушбу таклифни қўллаб-қувватлашга қақираман, – деди Арман Хайруллин.

Маърузачи ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда жойларда кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётганини таъкидлади.

ИҚТИДОРЛАР ОЗ ЭМАС ҚОЗҒОҒИСТОНЛИК ЎҚУВЧИ ФИЗИКА БЎЙИЧА ЕВРОПА ОЛИМПИДАСИДА ГОЛИБ ЧИҚДИ

Бу йил физика бўйича Қозғоғистон миллий терма жамоаси илк бор Европа Физика Олимпиадаси – 2020да иштирок этди.

Олимпиада 2020 йил 20-26 июль кунлари масофадан ташкил этилди, деб хабар беради Kazinform. Унда дунёнинг 57 мамлакатидан 250 нафар ўқувчи иштирок этди. Қозғоғистон миллий терма жамоасида 2019 йилги Республика олимпиадасининг голиб ва совриндорлари бўлган беш нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этди.

Қозғоғистон терма жамоаси аъзоси, Шарқий Қозғоғистон «Билим инновация» ихтисослаштирилган лицейи ўқувчиси Расул Мағауин 1-ўринни эгаллаб, олтин медаль соҳиб бўлди. Павлодарлик Антон Драганчук ҳамда астаналик Рауан Қалдибаев кумуш медални қўлга киритди.

Қозғоғистон ахборот агентликлари материаллари асосида тайёрланди.

ҚИШЛОҚ ҲОКИМИНИ САЙЛАШ БЕВОСИТА ЭФИРДА ЎТАДИ



Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Сакен Қалқаманов Кентов шаҳрига қарашли Чўрноқ қишлоқ округи ҳокими лавозимига номзодларни тавсия этишни бевосита эфир орқали юритди.

Бундан ташқари вилоятда ҳар бир фуқаро ҳокимлар сайловини бевосита эфирда томоша қила олишади. Бу – вилоят раҳбари Ў. Шукеевнинг бевосита топшириғи. Президентнинг қишлоқ ҳокимларини сайлаш бўйича Фармойишининг кучга кирганлиги 7 йил бўлди.

Сайлов куйидагидек амалга оширилади:

– истаган фуқаро ўзини ўзи номзод сифатида тавсия эта олади;

– туман ҳокимлиги талабгор ва унинг сайловолди дастурини қишлоқ округидаги жамоат кен-

газининг муҳокамасига қўяди;

– жамоат кенгаши аъзолари тавсия этилган номзодни сайлашда иштирок этувчилар рўйхатидан чиқара олади;

– жамоат кенгаши томонидан тасдиқланган номзодлар туман маслаҳатига бориб ўзларининг сайловолди дастури билан ташиштилади;

– номзодларга депутатлар овоз беради;

– маслаҳат тасдиқлаган номзод туман ҳокимининг қарори билан қишлоқ ҳокими этиб тайинланади.

Шимкент шаҳрида бозорлар ва автобуслар фаолияти ўзгарди, деб хабар берди Шимкент шаҳрининг бош давлат санитар шифокори Абди-манап Тўлебаев.

Шаҳарда бош шифокорнинг янги қарори кучга кирди. Бу ўз навбатида шаҳардаги бозорлар ва жамоат транспорти фаолиятида ўзгариш ясади.

Озиқ-овқат бозорлари душанбадан жумага қадар соат 06.00дан 18.00гача ишлайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари сотмайдиган бозорлар эса, яъни чорва моллари, автомобиль, кийим-кечак, ихтисослашган бозорлар эрталаб соат 06.00дан соат 13.00гача ишлашда давом этади. Дам олиш кунлари барча бозорлар фаолияти тўхтади.

Жамоат транспортининг қатнов жадвали ҳам ўзгарди. Жумладан, душанбадан жумага қадар барча автобуслар соат 07.00дан 20.00гача узлуксиз қатнайди. Лекин бир шарт, автобус салонларида йўловчилар сони 50 фоиздан ортмаслиги керак. Дам олиш кунлари транспорт қатнови ҳам тўхтади.

БОЗОРЛАР ВА АВТОБУСЛАР ФАОЛИЯТИ ЎЗГАРДИ



ди. Автобусларда ниқоб тақиш тартиби сақланади.

Янги қарорда шимкентликлар Қурбон ҳайитини қандай нишонлашлари кераклиги ҳақида ҳам айрилган. Шаҳарда одамларнинг тўпланиб туришлари, ташкилотларга, масжидларга бориши тақиқланади. Машиналарда чорва молларини олиб келиб сотиш ҳоллари, кўпчилик билан мол сўйишга рұхсат берилмайди.

Бозорларда ва мол сўйиш

пунктларида қурбонлик чалишга рұхсат йўқ. Фақат онлайн тартибда қурбонлик қилиш йўлга қўйилди.

Шаҳарга ташқаридан чорва молларини олиб кирмаслик учун 31 июлдан 2 августгача Шимкентга кирвериш йўллари блок-постлар ўрнатилди.

Шимкент шаҳар
ҳокимининг матбуот
хизмати.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИКЛАРИНИ ҚАЙТА НОМЛАШ ТЎҒРИСИДА

Туркистон вилоят маслаҳати қарор қабул қилиб, Кентов шаҳридаги Чўрноқ қишлоқ округининг 32-Разъезд аҳоли манзилни Қарсақти аҳоли манзили, Жибек жўли қишлоқ округининг

30-Разъезд аҳоли манзилни Эски Саврон, Келес туманининг Ақтўбе қишлоғидаги М. Горький аҳоли манзилни Кендала деб ўзгартирадиган бўлди.

Қарор вилоят ономастика ко-

миссиясининг хулосаси асосида қабулланиб, 10 кундан сўнг жорий этилади.

Унинг ижроси вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Қалқаманов зиммасига юкланган.

540 МИНГ КИШИ 42500 ТЕНГЕ ОЛДИ

Карантин ҳолатида ишсиз қолган фуқароларга ёрдам кўрсатиш мақсадида энг кам маош миқдорида 42500 тенге ижтимоий тўлов тайинлаш тадбирлари март ойи охирида бошланган эди. Айти кунда Туркистон вилояти бўйича 544,5 минг фуқарога 23,1 млрд. тенге ижтимоий тўлов ажратилган. Буни вилоят бандликни мувофиқлаштириш в ижтимоий дастурлар бошқармаси раҳбари Асия Темирбаева маълум қилди.

– Маоши сақланмаган ҳордиқдаги ва тўловга ҳуқуқи бор ходимларнинг рўйхатини иш берувчилар тегишли порталлар орқали тавсия

этади. Улар фаолиятининг чекланиш ҳолати таркиби Миллий тадбиркорлар палатаси ва қасаба уюшмалари вакиллари билан иборат туман ва шаҳар штаблари тасдиқлашади. Бошқа тоифадаги фуқаролар тўловларни тайинлаш учун ўз хоҳишича ариза беради. Ўзини ўзи иш билан таъминлаётган кишиларга бир марталик тўловга ариза бериш учун ЯЖТ қайта тўлаш мажбурий эмас. Аризалар 2020 йил 1 сентябргача қабул қилинади, – деди А. Темирбаева.

Туркистон
вилоятининг минтақавий
коммуникациялар хизмати.

Бутун дунёни ташвишга солиб қўйган корона-вирус пандемияси мамлакатимизда таълим соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, коронавирус иллатининг олдини олиш мақсадида 2020 йилнинг март ойидан ўқувчилар масофадан ўқишга ўтиб, натижада ўқув йилини уйда тугатган эди.

МАСОФАДАН ЎҚИШГА ТАЙЁРМИЗМИ?

2020-2021 ўқув йилида ўқувчиларни уч хил тартибда ўқитиш тизими тавсия қилинмоқда. Бу ҳақда Туркистон вилояти Келес тумани Бўзай қишлоқ округига қарашли Б. Мўмишули номли ўрта мактаб директори гапириб берди.

– Карантинга мувофиқ, янги ўқув йилида уч хил тартиб тавсия қилинган. Улар – 1, 2, 4 ва 11-синфларни мактабда ва масофадан ўқитиш. Қишлоғимизда ҳам интернет тармоғи яхши ишлайди, масофадан ўқишга тайёрмиз, – дейди мактаб директори Жумабек Сўпбеков.

450 нафар ўқувчиси бор мактаб директорининг айтишича, ижтимоий аҳоли ночор оилалар болаларига масофадан ўқиш учун мактабдаги 20та компьютер вақтинча берилган эди. Зарур бўлса, янги ўқув йилида яна берилиши мумкин. Шундай ўқувчиларга мунтазам иссиқ овқат бериб турилган.

Июль ойидаги ҳисоб-китобга кўра, Келес туманида 32634 ўқувчи бор. Ўтган ўқув йилида 1238та компьютер ўқувчиларга тарқатиб берилган. Жорий йилда эса 4014 ўқувчини компьютер ва ноутбук билан таъминлаш кўзда тутилган. Янги ўқув йилида бошланғич синфларни 10-15 нафардан мактабда ўқитиш ҳам муҳокама қилинмоқда.

Вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.



Туркистон вилоятида 910та мактаб бўлса, ундаги ўқувчилар сони – 499 535. Шунини таъкидлаш жоизки, 1 синф ўқувчилари бу йил 1 августгача eGov.kz портали орқали рўйхатга олиниши керак. Бу ҳолда ўқувчилар сони ортиши табиий.

Буни вилоят Инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси раҳбари Р. Жўлаев брифингда маълум қилди.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР УЧУН НАВБАТЧИ ГУРУҲЛАР ОЧИЛАДИ

Биринчи чоракда олис қишлоқлардаги мактабларни қўшмаганда, вилоятдаги деярли барча мактабларда 1-11 синф ўқувчилари онлайн тартибда ўқитилади. Кичик ва олис қишлоқлардаги мактаблар сони 139та, улардаги болалар сони эса 12378. Агар ўша жойларда касаллик хавфи бўлмаса, санитария-эпидемиологик хизматлари рұхсат берса, дарслар мактабда ўтилаверади, – деди бошқарма раҳбари.

Бошқа мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналари ариза ёзишса, минтақадаги вазият ижобий томонга ўзгарса, санитария талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда наватчи синфлар очилади.

Яқин келажакда мамлакатимизда эпидемиологик аҳвол яхшиланиб, хатарли хавф бартараф этилса, мактабларда аралаш ўқитиш ва штатли шаклга кўчиш жараёни амалга ошади.

– Вилоятда 500 мингга яқин ўқувчи бор, бу 200 мингдан зиёд оила фарзандлари демакдир. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ушбу оилаларнинг 28 фоизи (130 мингга яқин ўқувчи) уй шароитлари сабаб интернет тармоқларига қўшила олмайди. Хонадонларнинг 34 фоизда (60 мингдан ортиқ бола) компьютер техникаси йўқ. Бугунги кунда айнан ўша тоифани интернет ва компьютер билан таъминлаш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Мактаблардаги техника воситалари шартнома асосида уларга берилади, – деди мутасадди идора вакили.

Вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.

ҚОЗОҒИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

“ҚРда Давлат хизмати тўғрисида” Қонунига киритилган ўзгаришлар туфайли 2020 йил 17 июлдан бошлаб, давлат органларига хизматга жойлашиш тартиби ҳам ўзгарди.

Илгари давлат хизматига кириш учун танловнинг учта тури мавжуд эди, яъни идораларнинг ўз давлат хизматчилари ўртасидаги танлови, барча давлат органлари хизматчилари ўртасида танлов ва энг сўнггиси барча фуқаролар ўртасида танлов.

Энди бу босқичлар қисқартирилиб, давлат органларидаги бўш ўринларни эгаллаш тартиби талаблари қисқарди.

Танловнинг учта тури хизматга қабул қилиш жараёнини чўзиб юбораётгани сир эмас. Қолаверса, уч босқичли танловлар учун 50 кун талаб этиларди, айни вақтда янги ўзгаришлар 15 кун

сарфлашни тақозо этади.

Бундай ёндашув ўз навбатида, мансаб андазаси тизимини бузмайди, аксинча, уни жадаллаштириб, хусусий шўбадан иқтидорли мутахассисларни жалб этиш имконини беради.

Умумий танловлар тартиби ҳам ўзгарганини таъкидлаш жоиз. Давлат хизматчилари умумий танлов босқичида тест топширмайди.

Бундай ижобий ўзгаришлар 2020 йил 3 июлда Давлат раҳбарининг “Қозғоғистон Республикасида давлат хизмати масалалари бўйича айрим қонуний ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонунига имзо чеккандан сўнг пайдо бўлди.

ҚР Давлат хизмати ишлари
бўйича агентликнинг
матбуот хизмати.

ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ ҚАБУЛ БЎЛСИН!



Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!
Муҳтарам ва азиз юртдошлар!

Халқимизга хос меҳр-муруват, бағрикенглик ва савобат ифодаси бўлиб келган Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Қурбон ҳайити – улуг байрам. Шунинг учун бу кунни яқинларимизни йўқлаб уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёши улугларни зиёрат қилиш, муҳтожларга меҳр-муруват кўрсатиш, оилаларга хурсандчилик улашиш ва байрамнинг кўрқига кўрк қўшадиган амали солиҳлар билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу кунда янада меҳрибонроқ, шафқатлироқ бўлар, етим-есирлар бошини силар, қариялар, касалмандлар, муҳтожлардан хабар олар, уларнинг кўнгулларига ҳам байрам шуқуҳини олиб кирар эдилар. Ҳайит кунларини ғанимат билиб, барча гина-қудуратларни унутиб, кечиримли бўлиш мусулмон кишига хос бўлган гўзал фазилатлардандир.

Меҳрибон Аллоҳ таоло барча ибодатларимизни қабул айлаб, эзгу мақсадларимизни амалга оширишда Ўзи мадакор бўлсин. Қурбон ҳайитининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин!

Қурбонликни ҳайитнинг биринчи кунини, ҳайит намозидан кейин, учинчи ҳайит кунининг шом вақтига қадар адо этиш мумкин. Қурбонликка туя, йирик қора мол, қўй, эчки сўйиш мумкин. Бу молларнинг ёшига тўхталсак туя энг камида беш ёш, йирик қорамол 2 ёш, қўй ва эчки бир ёшга тўлган бўлиши керак. Олти ойлик қўзилар онаси сингари йирик, семиз бўлса қурбонликка ярайди. Туя ҳамда йирик молни етти киши биргалликда сўйишади. Бунда етти кишининг ниятлари қурбонлик келтириш бўлиши шарт. Мазкур ибодатга ақиқа қурбонлиги ёки хасталикдан тузалсам, Аллоҳ йўлида мол сўяман сингари ўзига вожиб бўлган назрлар ҳам кирди. Борди-ю ораларида бир кимсанинг нияти фақат гўшт ейиш бўлса, қолганларининг қурбонлиги зое бўлади. Имонимизни мустаҳкамлайдиган гўзал амалларни чиройли адо этайлик, Аллоҳ Таоло қалбимиздаги эзгу ниятларимизни қабул этсин. Юртимиздаги иллатдан саноқли кунларда қутулиб, байрамларимизни жамоат бўлиб нишонлаш кунлари яқин бўлсин. Аллоҳ қурбонликларимизни қабул қилсин. Омин!

Мусабек ҳожи АҚТАМБЕРДИ,
ҚМДБнинг Туркистон вилояти бўйича бош имоми.

ҚУРБОН ҲАЙИТИДАГИ ЧЕКЛОВЛАР

ҚР Бош давлат санитар шифокорининг 2020 йилнинг 3 июлдаги 44-сонли “Қатъий карантин чекловларини татбиқ этиш тўғрисида” қарорига мувофиқ, фуқаролар орасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида Туркистон вилояти Бош давлат санитария шифокори Қурбон ҳайит байрамидаги чекловлар ҳақида қарор чиқарди.


Шунга мувофиқ, мулк шаклидан қатъиназар, барча ташкилотларда, шунингдек, хусусий уйларда ва мадрасаларда одамлар кўп тўпланадиган тадбирлар ўтказиш тақиқланади. Вилоят ҳудудида рухсат берилмаган жойларда мол сўйишни уюштириш, автомашиналарда ва уйларда мол сотиш тақиқланади. 31 июль-2 август кунлари вилоят марказий масжидининг рухсати билан белгиланган қурбонлик қилишни ҳисобга олмаганда, қушхоналар фаолияти тўхтади.

Таъкидлаш жоиз, қурбонлик қилишга онлайн тартибда www.qurban2020.kz сайтида ариза бериш мумкин. У олдиндан тасдиқланган рўйхат бўйича муҳтожларга бўлиб берилади. Муҳтожларга тез бузиладиган маҳсулотларни ташиш ва сақлаш вақтида санитария-эпидемиология меъёрларига қатъий амал қилинади.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

Ҳидоят сари

Юртимизда коронавирус иллатига қарши карантин чоралари даврида мана иккинчи бор Ҳайит байрамини нишонлаш арафасида турибмиз. Жамоат намозларини масжидларда ўқишга вақтинча барҳам берилса-да, ҳамюртларимиз ибодатларини уйларида адо этиб, Пайғамбаримиз (с.а.в) суннатларини адо этишмоқда. Йиди қурбон байрамини нишонлаш, қурбонлик ибодатини амалга ошириш тартиби борасида Шимкент шаҳар бош имомининг ноиби Назирхон Азизхон ўғли ТОШХҲЖАЕВ билан суҳбатлашиб, ҳамюртларимизни қизиқтирган саволлари билан муурожаат қилдик.



ЯНГИ ВАЗИЯТДА ИБОДАТЛАРНИ ҚАНДАЙ АДО ЭТАМИЗ?

– Бундан қарийб икки ой муқаддам хонадонларда Рамазон ҳайити намозини ўқиш тартиби билан ҳамюртларимизни таништирган эдик. Бу галги Қурбон ҳайити намози ҳам масжидларда жамоат бўлиб адо этилмайди. Диндошларимиз ибодатларини қандай тартибда адо этишади?

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Муборак кунларда турибмиз. Аввало, Зулҳижжа ойининг муқаддас ўн кунлигида. Иншооллоҳ, Аллоҳ Таоло ниятларимизни қабул қилсин. Қурбон ҳайити намозини ўқиш вожиб амаллардан саналади. Ҳар бир ақл эгаси, балоғатга етган ҳамда ўзини мусулмон санайдиган киши Қурбон ҳайити намозини ўқийди. Мазкур намоз икки ракаатдан иборат бўлиб, оддий намозларимиз каби ўқилади. Фарқи – биринчи ракаатида аввалги такбирдан кейин яна уч марта такбир айтилади. Иккинчи ракаатида рукуъга боришдан аввал яна уч марта такбир айтилиб, тўртинчи такбирида рукуъга кетилади. Фарқи – фақат мана шунда, қолган қисмлари икки ракаатли намозларга ўхшаш. Бу намоз ҳар ким хоҳишига қараб ўқилмайдиган, балки аниқ белгиланган, аввалдан эълон қилинадиган масжидларда ўқиладиган намоз. Бизнинг ҳолатимиз, яъни иллатга қарши кураш чоралари кескинлашган айни вақтда, пандемия ҳолатида намозларимизни уйда ўқиймиз. Карантин

мавжудлигини таъкидлаб ўтишган. Арофа кунини яъни ҳайитдан бир кун аввал тутилган рўзанинг икки йиллик рўза тутганлик савоби ваъда қилинган хусусида ҳадисларда хабар келтирилган. Яъни, ўтаётган ва келаётган йилимизда қилинган ва қилинажак гуноҳларга каффорат бўлиб, Аллоҳ томонидан берилган мукофот деб қабул қилишимиз жоиз. Бир кунлик рўзанинг шунча йиллик савобига эга бўламиз. Бундан фойдаланиб қолган инсон ҳаммиша голиб ва шод бўлади. Яратганнинг берган имкониятларидан фойдаланиб қолиш демакдир. Зулҳижжа рўзаси ҳам худди Рамазон рўзаси каби ният билан тутиладиган амал.

– Қурбонликни кимлар қилгани жоиз? Кўпчилик иллат пайтида уйда ишсиз ўтиришга мажбур бўлиб қолди. Баъзилар эса давлатдан ишсиз қолганлиги учун 42500 тенге олса ҳам қурбонлик қилишга жазм қилмоқда. Бу борада шариятимизда қандай ҳукмлар мавжуд?

– Мол-мулки нисоб даражасига етган мусулмонлар бу ибодатни адо этиши шарт. Нисоб, яъни закот беришликка ҳақдор бўлган инсонлар. Нисоб миқдоридан кам мулкка эга бўлганларга бу мажбурий эмас. Лекин фазилат нуқтаи назаридан савоб, Яратганга яқинлашиш умидида қилинадиган ибодат. Яъни ўзини молиявий нуқтаи назардан қийнаш ёки кўз-кўз қилиш эвазига

ди. Ўзинг муҳтож бўлсанг, ҳукумат сенга ишсиз ўтириганинг учун 42 минг тенге нафақа тўласа-ю, уни олиб қурбонлик қилиб юбор, деган даъват Исломда йўқ. Уни имкони борлар амалга оширади, имкони йўқлар ундан фойдаланишади.

– Мамлакатимизда илк бор қурбонлик амалларини онлайн тартибда буюртма бериш ва амалга ошириш имкони яратилди. Хонадонларда ўзлар қурбонлик қиладиганлар гўштни қандай тақсимлаганлари дуруст?

– Онлайн хизмат бизда биринчи марта амалга ошириляпти. Бу жуда қулай услуб, бошқа давлатларда бир неча йиллар аввал йўлга қўйилган тадбир. Биродарларимизга қурбонлик гўштарини шариат талабларига мувофиқ дуолар билан адо этилган тарзда етказиб берилади. Тажрибали қассоблар гўштни усталик билан тақсимлашади. Ҳозирги шароитга кўра бунини онлайн адо этиш тавсия этиляпти. Бироқ ҳовлиларда истиқомат қиладиганлар сўйган молларини ўзлари истеъмол қилишадими ёки қариндошларига тарқатишадими – бу уларнинг ихтиёрида. Ҳар бир мусулмон ўз имкон даражасидан келиб чиқиб, бу ибодатни адо этади.

– Ижтимоий тармоқларда карантин чоралари пайтида қурбонликни пешин намозидан кейин сўйиш мазҳабимизда рухсат берилганлиги ҳақида ахборотлар тарқалди. Бу борада фикрингиз қандай?

– Ҳозирги замон тилида бунини фейк, яъни нотўғри ва асоссиз ахборот деймиз. Бу тадбирларни тонгда соат 7.00дан бошлаб уч кун мобайнида адо этиш мумкин.

– Ҳайитлаш, қарияларни, қариндошларни табриклар хонадонларга боришга ҳозирги кун шароитида шариятимизда қандай кўрсатмалар берилган?

– Ҳайитлаш, яқинларимизни хурсанд қилиш – бу савоб. Лекин коронавирус иллатининг кенг тарқалмаслигига қарши кўриляётган чораларни эътиборга олиб, ҳайит билан уяли телефон орқали, видео кўнғироқлар ёрдамида табриклаш мумкин. Ташриф буюриб, ҳамюртларимиз хонадонларини ташвишга қўйиш, касаллик таралиш хавфини юзага келтиришга ҳожаат йўқ.

Келаётган муборак кунлар билан ҳамюртларимизни қутлайман. Келгуси байрамларни шариат кўрсатмаларига мувофиқ адо этишлик насиб этсин. Беморларимиз дардига Яратган шифо берсин, тез кунларда сафимизга қайтишларига дуо-дамиз.

– Суҳбатингиз учун раҳмат.

М. САЪДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.



чораларига риоя этиб, масжидларга бориш тақиқланган. Эрталаб бомдод намози ўқилгандан сўнг, кун найза баробар кўтарилгач, икки, тўрт, олти ё саккиз ракаатга қадар Зуҳо намози ҳам ўқилса бўлади. Бу нафл намозлар сирасига кирадиган ибодат, оила билан, шу жумладан, аёллар билан ҳам жамоат ҳолатида адо этилади. Сўнггида Аллоҳ Таолодан дуолар қилинадиган намоз. Ҳайит намози тонгда соат бдан 5 ёки 10 дақиқа ўтганда кун чиқиш пайти 6.30лардан соат 7га қадар бемалол ўқиб олиш мумкин.

– Зулҳижжа ойининг ўн кунлиги ҳадисларда қандай эътироф этилган?

– Уламоларимиз ҳадисларимизда бу ҳақда алоҳида эътирофлар

амалга оширадиган амал эмас. Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадисларида шундай эътироф этганлар: “Имкони бўла туриб, қурбонлик қилмаган мусулмонлар, намозгоҳларимизга яқинлашмасин”. Лекин бир ҳадисда яна бир мусулмон Пайғамбаримиз (с.а.в.)га келиб: “Менда қурбонлик учун молим йўқ. Бироқ сутини соғиб ичишим учун менга ёрдам сифатида бир молни ижарага беришган. Шунинг қурбонлик келтирсам бўладими?” деб сўраганларида, сарвари олам, “Йўқ, сен унинг ўрнига ҳайит намозидан кейин соч-соқолинг, мўйлабингни қисқартириб, ўзингни чиройли ҳолга келтирсанг, ўша сенинг қурбонлигинг”, деб жавоб берадилар. Яъни динимизда ўзини қийнаб, мушкул аҳволга солиш тақиқлана-

Туркистондаги А. Навоий
номли мактабнинг
90 йиллигига...

УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ ВА ЭЪТИРОМ

Чоға қишлоғида истиқомат қилувчи, нафақа ёшидаги олий тоифали ветврач Одилхўжа Меҳмонхўжаев газетамизнинг фаол жонкуяри саналади. У бундан 55 йил муқаддам Туркистондаги А. Навоий номли мактабни муваффақиятли тамомлаган. Мактабнинг юбилейга тайёргарлик – таъмирлаш ишларига фаол қатнашиб келмоқда.



– *Одилхўжа ака, сиз ветеринария соҳасида катта ютуқларга эришгансиз, тажрибангиз Туркистон миқёсида барча қишлоқ округлари ветврачлари иштирокида кўпчиликка тавсия этилди. Шу ютуқлар замирида қадрдон мактаб, заҳматкаш устозлар меҳнати, улуши ҳақида собиқ шогирд сифатида баён этсангиз.*

– Мен Туркистондаги Алишер Навоий номли мактабга 1954 йили биринчи синфга қадам қўйиб 1965 йили 11 синфни тамомладим. Синфимизда 42 ўқувчи бўлиб уларнинг 14 нафари ўғил болалар, 28 нафари қиз болалар эди. Барчаси олий ва ўрта маълумот соҳиблари. Орамиздан иккита олим ҳам чиққан. Беғубор болалик чоғимиз, бизларни илк устозимиз Холдор Қодир қизи бошланғич синфга қабул қилиб, ҳарф танитиб, юриш-туришни, тартиб-қоидаларни ўргатгани кун кечагидек ёдимда. Ўзбек тили ва адабиётдан Карима Раҳим қизи дарсларида Алишер Навоий асос солган ўзбек адабиёти вакиллари ижодидан баҳраманд бўлганмиз. Мактаб директори у пайтда Муҳаммадраим Абдурауфов эди. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси эди. Бошланғичдан сўнг синфимизга уруш фахрийси Жўраҳон ака Мирзали ўғли раҳбарлик қилди. Кимё фани устаси Жўраҳон ака ушбу фанни кунт билан эгаллаган эди. Математика фани ўқитувчиси Тождин ака Фармонқулов шу фаннинг тожини кийган устоз эканлигини барчамиз эътироф этардик. Тарих фанидан Рамазон Ҳожа ўғли сабоқ берган. Физикадан Ремир Мусин акамиз дарс ўтган. Географиядан Йўлдош ака Юсуф ўғли худди олтига коинотни ўз кўзлари билан кўргандек мукамал тушунтирарди. Инглиз тили ўқитувчиси, тажрибали Абубакир Алиев ўзи ҳам ўша юрт фуқаросига ўхшар эди. Ана шундай мўтабар устозлардан дарс олган биз шогирдлар билимли, маълумотли бўлишимиз шарт эди. Албатта, вақт тезкор, ҳаёт давом этади. Аксарият устозларимиз, қолаверса, анча синфдошларимиз ҳам фоний дунёни тарк этишди. Яқиндагина, «Жанубий Қозоғистон»нинг фаол муштарийси, олий маълумотли зиёли синфдошимиз Рўзимат Содиқов дунёдан ўтди. Яратган Эгам устоз шогирдларнинг охиратларини обод этиб, жаннатдан жой ато этишларини Қуръон оятлари тиловатларда сўраймиз. Мактабнинг 90 йиллиги белгиланган жорий йилда шу даргоҳнинг олтин остонасига қадам қўйганимизга 66, битирганимизга эса 55 йил тўлди.

Мактаб устозлар, ота-оналар, ўқувчилар жамоаларини мазкур кутлуг сана билан муборакбод этиб, Туркистондаги етакчи ўрта таълим даргоҳларидан бири бўлишини шу даргоҳни ўтган асрда 1965 йили тамомлаган қадрдон синфдошлар номидан самимий тилаб қоламиз.

– *Қадрдон мактабга, заҳматкаш устозларга таъзим ва эътиром руҳидаги мазмунли, ибратли суҳбатингиз учун ташаккур! Чоға қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, ҳамда В. Воҳидов номли мактаб ота-оналар кўмитасининг фаол вакили сифатида сизга сиҳат-саломатлик, барча ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.*

Ш. МАДАЛИЕВ.

• Саломат бўлинг!

Бия сути бугунги дардга давоми?

Эътибор берган бўлсангиз, ҳозир кўпчилик бия сутини ичишга ўтди. Нима учун бу сут бугун оммалашди? Унинг шифобахшлиги нимада, умуман бия сути ҳақида қандай маълумотларга эгамиз? Келинг, суҳбатимизни аввал оддий одамларнинг фикри билан бошлайлик, сўнг илмий тасдиқланган маълумотлар билан ўртоқлашамиз.

М. ИБРОХИМХОНОВА, олий тоифали шифокор:

Қозоғистонда қадимдан бия сутидан қимиз, туя сутидан эса қимрон тайёрлаб келинган. Сабаби, маҳаллий аҳоли чорвачилик билан шуғулланиб, бу ичимликларнинг шифобахшлигини жуда яхши билган. Бия сути ёки қимиз ҳамда туя сути халқ табибатида кенг фойдаланилган. Чунки уларда лактоза кўп. Шунинг учун улар тез ачиб, таркиби нордон бўлади. Қимиз ва қимронни ичган одамда куч-қувват пайдо бўлади, бу бугунги кунда жуда зарур даво усули. Ҳозир каттаю кичик камқувватликдан, иммунитет ночорлигидан шикоят қилади. Қолаверса, ўпка касалликлари учун ҳам даво. Масалан, силни даволашда уни ичиш тавсия этилади. Таркибида витаминлар, кальций, темир моддалари кўп бўлгани учун фойдаси мўл.

Мен беморларга кўпинча ушбу фойдали сутларни ичиб туришни тавсия қиламан. Натижалар кўнгилдагидек.

Баҳодир НОРАЛИЕВ, шимкентлик ҳайдовчи:

Коронавирус тарқалиб, эл-юртнинг тинчи бузилгандан сўнг, ростини айтсам, соғлиқка жиддий эътибор берадиган бўлдим. Шу пайтгача, тўғриси, бия сутини ичиб кўрмаган эканман. Хавфли дардни юқтириб олмаслик учун иммунитет мустаҳкамлаш мақсадида оиламиз билан бия сутини ичадиган бўлдик. Бошида 300 тенге бўлган сутнинг, литрига ҳозир 1000 тенгедан тўлаб оляпмиз. “Самал” бозори яқинидаги бир уйдан сотиб олиб, кунора ичиб турибмиз. Дастлабки таассуротларим: бошқа сутларга нисбатан тўйимли, қимиздан анча фарқ қилар экан. Қимиз бия сутининг ачитилгани, янги соғилган бия сутини эса қоқоқлар “саумал” дейди.

Қимизнинг шифобахш хусусиятлари

Бия сути ва қимиз ўзининг кимёвий таркиби билан она сутига жуда яқин туради. Шунинг учун унинг тўйимлилик хусусияти юқори. Сут қанди, сут ёғи, оқсил, туз, фосфатид, витамин, микроэлемент, гормон, иммун танача, газ ва пигментларга бой бўлган ичимлик.

Қимизда С дармондориси бор. Бу витамин барча дармондорилар ичида энг муҳими ҳисобланади. 1 литр бия сутига 112 мг. аскорбин кислотаси (С витамини) бор. Сил касаллигини даволашда бу дармондорининг аҳамияти беқиёс.

Қимизда натрий, калий, кальций, фосфор каби минерал моддалар кўп. Янги соғилган бия сутининг шифобахш хусусияти шундаки, унда бактерицид моддалар мавжуд. Улар организмнинг турли бактерияларга қарши курашиш қобилиятини оширади.

Соғилган бия сутини 2 соат ораллигида ичиш фойдали. Сутнинг таркиби июнь ойида шифобахш бўлади. Сабаби, бу пайтда яйловда ўтлар яхши



бўлиб, биялар тўйиб озикланади.

Қимиз бия сутини ачитиш натижасида пайдо бўлади. Бу жараён давомида сут таркиби деярли ўзгармайди.

Қимиз билан ўпка касалликларини тизатиш мумкинми?

Қадимда буюк табиб Абу Али ибн Сино чорва молларининг сути ёрдамида юзлаб касалликларга даво толган. Дармонсиз беморларга энг шифобахш, қувват берадиган восита деб тавсия қилган. Эчки сутини озгина туз ёки асал билан ичишни буюрган. Машҳур Гиппократ эса эчки сути сил хасталигига чалинган беморларга фойдали деб ҳисоблаган.

Қадимда рус шифокорлари ҳам бедаво дард ҳисобланган сил хасталигини қимиз билан даволашган экан. Октябрь инқилобидан кейин қимизнинг шифобахш хусусиятларини яхши билган руслар Россия ва кўплаб иттифоқдош республикаларда қимиз билан даволайдиган махсус санаторийлар очишган. Қимиз таркибини фармацевтикада тайёрланадиган барча антибиотиклардан афзал биллишган. Унинг таркибидаги спирт моддаси овқат хазм қилишда энг зўр восита ҳисобланган. Иштаҳани очишда, организмни тозалашда қимизга етадиган ичимлик топилмаган.

Агар одам мунтазам равишда қимиз ичиб турса, тез қаримайди, сурункали яралари тез битирилади, синган суяклар ўсиши тезлашади, куйиш касалликларида ҳам давоси мўл.

Янги соғилган, иссиққина бия сути қовуқдаги дардлардан фориг этиш хусусиятига эга. Пешобни ҳайдаб, жинсий қувватни оширишга ёрдам беради. Ич қотиш, пешоб йўлидаги касалликларга фойдали. Аёлларнинг ҳайз касалликларида, бачадон яраларида ҳам нафи бор. Болаларга қимиздан оз-оздан бериб борилса, танасига чечак касали чикмайди.

Бугунги кунда одамларда тез-тез учрайдиган юрак-қон томир хасталиклари, иш фаолияти давомидаги зўриқишлар, толиқиш, руҳий касалликлар, компьютер ва шунга ўхшаш техника ускуналари билан доимий равишда ишлашга мажбур касб эгаларига тавсия:

Кунига 2 маҳал 2 пиёладан қимиз, лоақал оддий сигир сутини истеъмол қилиб турилса, организмни ҳар томонлама мустаҳкамлаш мумкин.

Қолаверса, ҳар қандай сут йиринг ҳосил қилишга тўсқинлик қилиб, ичак микрофлорасини созлайди. Кўп уч-

райдиган шамоллаш, томоқ оғриғи, бронхиал астма, оддий йўтал, ўпка сили, ошқозон яраси, гижжа, атеросклерозда сутнинг фойдаси беқиёс.

Овқатдан кейин ичилган айрон, қатиқ деярли ҳар қандай дардга даво.

Салбий оқибатлари-чи?

Кўпинча сут ёки қимиз ичган одамлар ошқозонда пайдо бўладиган оғриқ ёки бошқа нохуш ҳолатлардан шикоят қилишади. Мутахассисларнинг айтишича, бу ҳолат кам сут ичадиган ёки ошқозонда дарди бор беморларда кузатилади экан. Лекин шундай бўлса-да сутдан воз кечиш керак эмас. Сигир сути ёқмаса, эчки сутига ўтиш керак. Ҳар кун чойга сут кўшиб, инсон ўзини ўргатиб бориши лозим.

Қимизни ёки бошқа сутларни қарама, нўхот, ловия, мош, кўкатлар ва минерал сув билан бирга истеъмол қилиш мумкин эмас. Бу маҳсулотлар ошқозонда сутлар билан “қелиша олмайди”. Сутни балиқ, колбаса, ёғли таомлардан кейин ичиш нотўғри.

Эътибор берсангиз, шаҳарлик аёллар сутни кам истеъмол қиладиган бўлишди. Оқибатда, аёлларнинг юзларида доғ, сепкиллар кўпайган. Қадимда онахонлар бирорта косметика воситасидан фойдаланишмаган. Улар учун эса оддий косметика оддий қатиқ бўлиб, ҳам юзига, ҳам сочига суркаб юришган. Натижада сочлари қалин, юзлари тиниқ бўлган.

Сут шакар билан ичилса, юз рангини чиroyли қилади. Сепкил ва доғларни кетказиши. Ҳар қандай сутда ювиш, тозалаш хоссаи мавжуд. Томоқдаги касалликлар учун азалдан одамлар сутни қайнатиб ичишган.

Билсангиз, ғамгинлик ва васваса ҳам бугун жамиятимизда кучайди. Абу Али ибн Сино мана шу дардлардан қутулишнинг йўли асал қўшилган эчки сутини ичиб туриш керак, деб айтган. Кўзларда глаукома, хотирада эса пасайиш кузатилмоқда. Эчки сути эса шу дардларни йўқотишда яхши асқотади. Туя сути кўз нурини ошириб, уни ўткир қилади. Нафас сиқилишида ёрдам беради, харсиллашни кетказиши. Жигарни қуриб қолишдан сақлайди.

Хулоса шуки, ҳам арзон, ҳам ўзимизда етиштириладиган табиий соф экологик маҳсулотларни истеъмол қилишга нима етсин. Ҳеч ким оғримасин!

Н. МАВЛОНОВА.

Коронавирус инфекциясининг олдини олиш мақсадида ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари махсус тезкор гуруҳлар карантин таъабларини бузган иншоотларда мониторинг ишларини юритди. Гуруҳ текширган 1328та иншоотнинг 200дан зиёди карантин қоидаларини бузгани аниқланди. Натижада далолатнома тўлдирилиб, 230 ОХК миқдорида жарима солинди. Умуман олганда, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид 183та далолатнома тўлдирилди.



ҚИММАТГА ТУШГАН КОРЧАЛОНЛИК

ТАРТИБГА БЎЙСУНМАГАН ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛДИ

Рейд давомида тақиқланган оилавий байрам тадбирлари аниқланиб, тўхтатилди. Туркистон вилоят Товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар сифати ҳамда хавфсизлигини назорат қилиш департаментининг маълумотида, бундай далиллар Қазигурт, Тўлебий, Сайрам, Арис туманларида аниқланган. Карантин вақтида тўй қилган фуқароларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ҳужжат

тўлдирилиб, 30 ОХК миқдорида жарима тайинланди. Булардан ташқари, Тўлебий туманида карантин чекловларини бузган 4та дам олиш масканига жарима солинди.

Мутахассисларнинг фикрича, карантин вақтида ниқоб тақмаслик, иншоотларда хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик, санитария қоидаларининг қўпол бузилиши тез-тез учрайди. Вилоятимизнинг бош давлат

санитария шифокорининг қарорига мувофиқ ёпилган иншоотлар ишини давом эттириши ачинарли ҳол, албатта. Баъзи иншоот раҳбарларининг қарорларни менсимай белгиланган вақтдан кейин ҳам фаолият юритиши эса ўзларига қимматга тушди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ОЁҒИМДАН ЎТ ЧАҚНАГАН КУН

Бобом бошидан ўтган ушбу воқеани сўзлаб берганларида вужудимни қўркув ва ҳаяжон қамраб олди.

Қўшни қишлоққа меҳмондорчиликка боргандик. Ошналарим ҳаммаси ўша ерлик бўлгани учун уйга бир ўзим қайтишимга тўғри келди. Қишлоққа кираверишда негадир ёнаётган дарахтга кўзим тушди. «Бирорта безори боланинг иши», деб хаёлимдан ўтказдим. Ўша дарахт тўғрисида келганимда, оёқларим остида учкунлар пайдо бўлди-ю, юришининг имкони бўлмади. Аввалига учкун дарахтдан сачраяпти, деб ўйладим.

Эътибор берсам, оёқ босган жойимдан ўз-ўзидан ўт чиқяпти. Қўрқиб кетдим. Қишлоқ томон юришининг ҳечам иложи йўқ. Нима қилишни билмай, охири Қуръон тиловат қилдим. Буни қарангки, энди қадамимдан ўт чақнамай қўйди. Аммо орқамдан нимадир таъқиб қилаётгандек. Қандайдир куч анҳор томон етаклади.

Ҳарчанд уйга бораёй дейману, оёқларим ўзимга бўйсунмади. Анҳорга бориб, ихтиёр-беихтиёр кўрқиб, чумилдим. Худди мени биров бошқариб тургандек эди, назаримда. Покланиб чиққач, куч энди мени уй томон

га бошлади. Уйга келдим тўшакка ўзимни таппа ташладим. Ўрнимдан қайтиб туролмай қолдим. Куч-мадорим йўқ, биров бошқармаса, юролмаман. Отам-онамга воқеани айтиб беришдан ўзга чорам қолмади. Улар ўша жой хислатлигини, мендан олдин ҳам шу каби воқеалар бўлганини айтишди. Кейин мулла чақириб, ўқитишди. Эчки суйиб, қонлашди. Менга куч кира бошлади. Бир ҳафтага бормай соғайиб кетдим. Лекин ҳалигача ўша жойдан кечаси ўтмайман.

Шоҳида ШАРИПОВА.

Бу воқеани отам ҳикоя қилиб берган эди.

«Ёшим 64га борибдики, худди кечагидек кўз ўнгимда. Ишга велосипедда бориб келардим. Йўл устидаги эски қабристон олтидан юрак ҳовучлаб ўтаман. Бир куни ўша жойдан энди ҳадиксираб-ҳадиксираб ўта бошлаган ҳам эдимки, кимдир велосипедимдан тортса бўладими! Орқага қарагани юрагим бетламади. Бир вақт аёл кишининг овози эшитилди. Қўрққанымдан уйга қандай келганимни ҳам билмай қолибман. Ичкарига кириб, дераза олдида ўзим-

ҚАБРИСТОНДАГИ АЁЛ

ни таппа ташладим. Шу пайт дераза очилди-да, бояги аёл оёқларимга қайноқ сув қуйиб юборгандек бўлди. Ҳеч қаерим ҳўл бўлгани йўқ, бироқ... шу дақиқадан бошлаб мен юролмаман, шол бўлиб қолдим. Қаратмаган, кўрсатмаган жойимиз қолмади. Оёқларим жонсиз эди.

Укаларим Кашпировскийнинг муолажаларига ҳам олиб боришди. Фойдаси бўлмади. Бир куни қўшни маҳалланинг домласига олиб боришди. «Арвоқ

тегишибди» деб, у қора эчки суйиб, қонлашни буюрди. Эчкини суйиб, қонини оёқларимга сурқаб, худойи қилиб юбордик.

Эчки гўшти ейилиб, худойи тарқай бошлаган сари оёқларимга мадор кирарди. Гўшт тугаб, суюгини итлар еб бўлганида эса мен юра бошлагандим»

С. АБДУРАҲМОНОВА.
Келес тумани.

ТАСОДИФМИ Ё...

Бир воқеа одамлар ўлимни олтидан сезиши мумкин, деган фикрга келишимга туртки бўлади. Бунга унча кўп бўлгани йўқ. Энг яқин ўртоғим бир неча бор қўнғироқ қилиб деди:

– Жўра, мен кетадиган бўлсам, болаларим билан хабарлашиб тур.

– Қаёққа кетаяпсан? — дедим ҳайрон бўлиб.

– Мабодо... дейман-да... — деди у хўрсиниб.

Мен бошқалар чатори четга ишлагани кетмоқчидир, деб хаёл қилдим. Афсус, минг афсуски, у яқинда автохалокат туфайли вафот этди. Шунинг ўлими сабаб ҳам сизларга қўнғироқ қилдим. Наҳот, одамзот ўз ўлимни сезади? Сиз нима дейсиз? Шундай синоатга дуч келганмисиз?

Элёр УСМОНҚУЛОВ.

ХАБАРЛАНДЫРУ

«ҚР Ўлттық экономика министрлігі табиғи монополияларды реттеу комитетінің Шымкент қаласы бойынша департаменті» Республикалық мемлекеттік мекемесі 23 шілде 2020 жылғы №77-НҚ бұйрығына сәйкес Сайрам тұрғын алабы «Сайрам-су» ӨК тұтынушылары үшін су шаруашылығы (ауыз су) жүйесі қызмет тарифі 2020 жыл 01 қыркүйегінен бастап 59 теңге 93 тын етіп бекітілді.

«Сайрам-су» ӨК өкімшілігі.

Нурмахан Миятули ЖҰЛДАСОВ

Туркистон вилояти аҳолиси, зиёлилари оғир жудоликка учради. 61 ёшга қадам қўйган Сайрам, Байдибек туманларининг фахрий фуқароси, юрт бошқариш ишида алоҳида иқтидорга эга Нурмахан Миятули Жўлдасов фоний дунёни тарк этди.

Нурмахан Миятули давлат сиёсатини юритиш ишига залворли улуш қўшди.

У М. Аюезов номидаги Шимкент педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини жисмоний тарбия муаллими, М. Сапарбаев номидаги Жанубий Қозоғистон гуманитар институтини молиячи-иқтисодчи ихтисосликларини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Шимкент шаҳар сут заводида механикликдан бошлаб, 1980-2000 йилларда Шимкент темирбетон буюмлари заводи ишчиси, «Қаратўбе» ҲЖ бошқармасининг раиси вазифасида ишлаган. 2001-2007 йилларда Шимкент шаҳар ҳоқими девонининг транспорт ва алоқа бўлими бошлиғи, Сариоғоч туманининг ҳоқими, 2007-2017 йиллари ЖҚВ Табиий монополияларни сошлаш агентлиги бошқармасининг бошлиғи, ҚР Табиий монополияларни сошлаш агентлигининг Жанубий Қозоғистон вилоят департаменти директори, 2017-2019 йиллари Nur Otan партияси Туркистон вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари вазифаларини виждонан адо этди. 2016 йилдан буён вилоят маслаҳати депутати, 1995 йилдан буён ЖҚВ От спорти федерациясининг президенти.

Н. Жўлдасов фидокорона меҳнати туфайли кўп мукофотлар ва унвонларга муносиб топилди. ҚР Фахрий Ёрлиғи, «Қозоғистон Конституциясига 10 йил», «Алоҳида хизматлари учун», «Чегарани яхши назорат қилгани учун», «Фахрийлар уюшмасига 20 йил» медаллари билан тақдирланган. Нурмахан Миятули Жўлдасов меҳнат фаолиятини ўзидан кейинги ёшларга ибрат қилиб қолдирди.

Умрини юрт тараққиётига ва Туркистон минтақасининг гуллаб-яшнашига бағишлаган инсон қиёфаси халқимиз хотирасида узоқ йиллар сақланади.

Нурмахан Миятули Жўлдасовнинг оиласига, яқинлари ва қариндошларига ҳамда вилоят аҳлига ҳамдардлик изҳор этамиз.

Ў. ШҰКЕЕВ, Қ. БАЛАБИЕВ, А. ТУРҒИМБЕКОВ,
Ж. АМАНБАЕВ, У. ТАЖИБАЕВ, М. МИРЗАЛИЕВ,
С. ҚАЛҚАМАНОВ, Б. ТАЖИБАЕВ,
Ж. МАУЛЕНҚУЛОВ, У. МЕЛДЕХАНОВ.

Туркистон вилояти ҳокимлиги ва вилоят ҳоқими девони вилоят туризм ва спорт бошқармаси бошлиғи Пулат Қирқбаевга акаси

Қабилбай ҚИРҚБАЙУЛИ-

нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Туркистон вилояти ҳокимлиги ва вилоят ҳоқими девони жамоат арбоби

Нурмахан ЖҰЛДАСОВ-

нинг оламдан ўтганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари, ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.

Туркистон вилояти ҳокимлиги ва вилоят ҳоқими девони «Ордабасы қўс» МЧБ бош директори

Мурат ТАҒАЕВ-

нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилиб, ҳамдардлик билдиради.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти жамоат арбоби

Нурмахан ЖҰЛДАСОВ-

нинг оламдан ўтганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари, ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти «Ордабасы қўс» МЧБ бош директори

Мурат ТАҒАЕВ-

нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилиб, ҳамдардлик билдиради.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти «Телеби туы» газетаси директор-бош муҳаррири Абдумалик Рахманқуловга укаси

Бауиржан РАХМАНҚУЛОВ-

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Шимкент шаҳар, Қоратов тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси Ю. Сарёмий номидаги 107-мактаб-лицейи директори Баҳодир Нуралиевга турмуш ўртоғи

ХАДИЧА-

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС НАШР

Жорий йилда масофадан уюштирилган Матбуот куни байрамида «Телеби туы» туман газетасини 30 йилдан зиёд давр мобайнида бошқариб келаётган Абдималик Раҳманкулов Қозоғистон Журналистлар уюшмаси таъсис этган «Қозоғистоннинг фахрий журналисти» кўкрак нишони билан тақдирланди.



Туманда газеталар сони йилдан йилга ортмоқда. Лекин «Телеби туы» газетхонлар эътиборида, муштарийларнинг чинакам ҳурмат ва эътирофи сазоворлигича қолмоқда. Бу нашрни ҳеч иккиланмасдан туманда «карвонбоши», деб аташ жоиз.

Вақти-вақти билан газетада ўзбек тилида "Адабиёт саҳифаси" чиқиб туради. Унда ижодкорларнинг назм ва насрий асарлари чоп этилади.

Севимли газетамизда ишлаётган журналистларда маҳорат етарли, савия ва дид ҳам бор. Газета саҳифаларидан ҳаёт нафаси уфуриб туришининг сири шунда. Дадил айтиш мумкинки, бу маҳорат аллақачон нашр ижодкорлари учун ўзига хос ва бетакрор услуб сифатида шаклланиб улгурган. Унинг ҳар сониди, илк саҳифанинг энг юқори қисмида муҳтарам Элбошимизнинг фаолияти ёритилиб бориши, халқимиз, юртимиз равнақи, ислохотлар кўламини, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси, истиқбол орзулари, миллий қадриятлар тўғрисидаги мақолалар бериб борилаётганлиги – газетада шаклланган услубнинг энг ширин меваларидан бири.

Нашрнинг чин дўст мақомида юрвчи муаллифлари ва жонкуярлари кўп. Зеро, ҳар қандай нашрнинг обрўси ундаги муаллифлар салоҳияти билан ҳам белгиланади. Эл-юртда таниқли инсонлар қаламига мансуб мақолалар қанчалик кўп бўлса, газета обрўси ҳам ортиб, мустаҳкамланиб бораверади. Қолаверса, бундай ҳамкорлик мазмундорликни орттириш билан бирга, жамиятда рўй бераётган ўзгаришларнинг туб моҳиятини теран англашда газетхонга беқиёс кўмак беради. «Телеби туы»нинг бугунги муаллифлари айнан ана шундай ишонтириш кучига эга инсонлардир. Улар – ташкилотчи раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, илғор фикрли тадбиркорлар, ишбилармонлар, ижодкорлар, санъат, маданият ва спорт намояндаларидир.

Бу мисолни бежиз келтираётганим йўқ. Оммавий ахборот воситаларининг бош вазифаси жамоатчилик фикрини тўғри шакллантиришдан иборат. Инсонни турли ахборотлар, янгиликлар, маълумотлар билан қуроллантириш ҳам унинг зиммасида. Айниқса, аҳолининг маънавий-маърифий дунёқарашини кенгайтириш, маданий савиясини юксалтиришга кўмаклашиш бу соҳа ходимлари олдида турган яна бир долзарб вазифадир.

«Телеби туы» бу вазифаларни турли соҳа вакиллари, етакчи мутахассисларини ўз саҳифаларига мунтазам таклиф этиш орқали удралаётган илғор фикрли нашр. Чунки у ана шундай ҳамкорлик орқали илгари сурилаётган мавзуларни ҳар томонлама тўқис ёритишга эришмоқда.

Яқинда 85 йиллигини нишонлаган «Телеби туы» том маънода маънавият жарчиси ва халқ минбарига айланган. Мана шу жиҳат туфайли нашрнинг адади ортди, уни қўллаб-қувватлаб, хайрихоҳлик билдирувчи жонкуярлари сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ, жамоатчи мухбиримиз.

Эркин Зиёш ўғли – 75 ёшда

МУНОСИБ МУКОФОТ МУБОРАК!

Жорий йил Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги нишонланган бўлса, мақоламиз қаҳрамони, «Жанубий Қозоғистон» газетасининг Туркистондаги фаол жонкуяри Эркин Зиёш ўғли Қолимбетов айнан уруш тугаган йили август ойда Зиёш ота ва Шарбон ая хонадонидида тўнғич фарзанд бўлиб дунёга келди. Инсоният урушдан сўнг эндигина озодлик нашидасини суриб, тинч ҳаётда эркин нафас ола бошлаган пайт эди. Чақалоққа яхши ниятлар билан Эркин деб исми қўйишди.

1962 йили шаҳардаги ҳозирги А. Навоий, ўша кездеги Тошкент темирйўлига қарашли 42-сонли мактабни муваффақиятли тамомлади. Темирйўл соҳаси бўйича Тошкент шаҳрида махсус билим юртида икки йил таҳсил олди. Ҳарбий хизматни уч йил СССРнинг совуқ ўлкаларида – Мурманск, Ленинград, Карелияда техник қисмларда ўтаб, чиникиб, товланиб, катта сержант лавозимида қадрдон юртига ёруғ юз билан қайтиб келди. 1969 йили октябрь ойда Рўзибқа Турсунмат қизи билан турмуш қуради. Самимият, ўзаро ҳурмат, покиза муҳаббат бу оиланинг асоси, устуни эди. Эркин Зиёш ўғли 47 йил бир масканда – тарихи юз йилдан зиёд Туркистон локомотив депосида меҳнат қилди. Кўп мукофотлар соҳиби бўлди.

Болтабой Тошметов, Нурмат Ҳайдаров каби ҳамкасблари билан қадрдон корхона шухратини ошириш йўлида бирга тер тўкишди. Нафақага чиққанида

эса қадрдон жамоаси Эркин Зиёш ўғлига тулпор миндириб, уйига қадар карнай-сурнай ва зўр шодиёна билан фахрий дам олишга кузатишди. Ўзи таҳсил олган А. Навоий номли мактабда Абдураҳмон Абдуқодиров каби фидойи инсонлар билан ота-оналар кўмитасига раҳбарлик қилди.

Мусулмончилигининг бешинчи фарзи – муқаддас ҳаж сафарига 2008 йилдан бошлаб автобусда уч марта йўлга отланиб, 2010 йили ниҳоят муқаддас Каъбага қадам қўйишга муяссар бўлишди. Умр йўлдоши Рўзибқа Турсунмат қизи ҳам шу мунаввар сафарда ҳамроҳ бўлди. Улар муштарак ҳаётлари давомида Раҳматжон, Насиба, Муҳаммаджон, Шоҳида исмли қобил фарзандлар тарбиялаб, Саван, Ботир, Гулбахор ҳамда Илҳом исмли ҳам хизматда, ҳам иззатдаги куёв-келиндар кўришди. Жами 23 невара, 6 эвара ушбу пири бадавлат хонадоннинг қувончи ва келажиги.

Ш. МАДАЛИЕВ.

PS:

Ҳар обуна маъсумида Эркин Зиёш ўғли 30 нафар ҳамшаҳарларини «Жанубий Қозоғистон»га обуна қилдириб, уларни ўзи муштарийларга холисанилло етказиб беради.



Унинг таниқли тадбиркор укаси Худойберган Зиёш ўғли ҳам кўп йиллардан бери 10 нафар газетага ҳомийлик қилмоқда. Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси, «Улес» хайри жамғармаси, «Жанубий Қозоғистон»нинг Туркистон ва Кентов бўлими муштарак лойиҳаларига мувофиқ таъсис этилган «Өнегелі азамат» – «Ибратли фуқаро» мукофоти Эркин Зиёш ўғли Қолимбетовга «Улес» жамғармаси раиси Райимжон Қўчқоров томонидан тақдим этилди. Муносиб мукофот муборак бўлсин! Эркин акага мустаҳкам соғлиқ, бардамлик ҳамда жамики яхшиликларни тилаб қоламиз.

Суратда: Р. Қўчқоров Э. Қолимбетовга «Ибратли фуқаро» мукофотини топширди.

Муаллиф тасвири.

90 ЁШДАГИ ОНАХОН ПНЕВМОНИЯДАН ДАВОЛАНДИ

Шимкентлик онахон ўпкасининг икки томон пневмонияси билан жонлантириш бўлимида даволанди.

90 ёшдаги шаҳар фуқароси "Тез ёрдам" машинасида кардиология марказига оғир аҳволда етказилган эди. Беморни

текширган шифокорлар, унинг ўпкаси захмланганини аниқлаб, икки томонлама пневмония ташхисини қўйишади. Аҳволи бирдан ёмонлашган онахонни жонлантириш бўлимига ётқизишади. Зарур муолажалар қилинган, 28 июль куни онахонга рухсат бе-

радилар.

Шифокорлар 90 ёшли беморнинг аҳволи яхшилигини айтишди. Халоскорларни дуо қилган онахон, уларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Х. ҚЎЧҚОРОВ.

ШИФОКОРЛАР ЖАРРОҲИ ҚИЛИШМОҚДА

Сўнги олти ой мобайнида Туркистон вилоят клиник касалхонасининг инсульт бўлими шифокор-жарроҳлари 67та жарроҳи амалиётини ўтказишди. Нейрохирургиявий жарроҳининг 22таси очиқ турдаги ва 17таси эса эндоваскулярли эканини таъкидлаш жоиз. Демак, шифокорларнинг иши сусаймаган.

Туркистон вилоят клиник касалхонасида пандемия пайтида инсультга чалинган беморларнинг давоси санитария талабларига мувофиқ олиб борилмоқда.

Махсус ихтисослаштирилган инсульт марказида жаҳон миқёсида исботланган тиббиётга ва мамлакатимизнинг клиник баённомасига мувофиқ тромболитизис, тромбозэкстракция ва нейрохи-

рургиявий жарроҳиларнинг барча тури амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда оғир иллатни юқтирган беморлардан ташқари жарроҳига зарур муҳтож беморлар шифокорлар ёрдамида соғайиб кетмоқдалар.

Айтганча, Туркистон вилоят клиник касалхонасининг инсульт бўлими ўтган йили 85 тромболитизис ва 115 нейрохирургиявий жарроҳи қилган.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

Бош муҳаррир – Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир
ўринбосари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.

Масъул котиб –
Авазхон БҮРОНБОЕВ.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис: Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелдан рўйхатга олинган, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466
Адади – 10968

"ERNUR-print" МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма:
1963

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.